

Ёлғоннинг сассиғидан фаришта қочади



15:40 / 16.07.2019 4587

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Агар банда ёлғон гапирса, у қилган нарсанинг сассиғидан фаришта ундан бир мил нарига узоқлашади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу қанчалик даҳшат-а? Бу дунёда бандани кўриқлаб туриш учун бириктирилган фаришта ҳам унинг ёлғони сассиғидан ҳазар қилиб, ундан қочар экан. Фариштаси ўзидан қочган одам ким деган одам бўлади?! Халқ ичидаги «Фалончининг фариштаси йўқ», деган қабилдаги гап бежиз эмас. Шунинг учун ҳам зинҳор ва зинҳор ёлғон гапирмаслик лозим.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ёлғон китобидан)